

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУНЧИЛИК

ТЎПЛАМИ

38-сон
(1058)
2022 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

351. ««Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 19 сентябрдаги ўРҚ–791-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

352. «Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 сентябрдаги ПҚ–376-сон қарори

353. «Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги ПҚ–377-сон қарори

354. «Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги ПҚ–378-сон қарори

Учинчи бўлим

355. «Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга уларнинг уй шароитида даволаниши учун зарур бўлган реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ҳамда уларга мазкур воситаларни текин ижарага бериш тизими асосида фойдаланиш учун бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 509-сон қарори
356. «Қишлоқ хуудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 513-сон қарори
357. «Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон қарори
358. «Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори

Бешинчи бўлим

359. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 августдаги 19/3-сон «Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788-3*)
360. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 26 августдаги 6-тп-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 23 августдаги 43-сон ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2022 йил 25 августдаги 7-сон «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821-2*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****351 «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
15 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 13 сентябрда
маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати доирасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотлар доирасида пенсия тизимини такомиллаштиришга, пенсиялар миқдорини мунтазам ошириб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг оворагарчилигини бартараф этиш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, шунингдек қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида фуқаронинг 2005 йил 1 январдан аввалги давр учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида, ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланиши, пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланиши ва тўланиши, уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсияларнинг текширилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришlash таътилида бўлиш вақтидаги қўшиб ҳисобланадиган иш стажи даври икки баробарга, яъни уч йилдан олти йилга оширилганлиги пенсия тизими ислохотидаги муҳим қадамлар бўлди.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошириб борилишини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу Қонунда ёшга доир, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдорини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача ошириш назарда тутилмоқда.

Қонунда таклиф этилаётган янги нормалар пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга ва ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «ўн икки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модданинг олтинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «ўн икки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **66-модданинг учинчи қисмидаги** «Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 1 ва 2-бандлари 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 19 сентябрь,
ЎРҚ–791-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****352 Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Касаначиликни ривожлантириш орқали оила бюджети даромадларини ошириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар сонини қисқартириш, маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида:

1. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ–214-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ, касаначига зарур асбоб-ускуна харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган субсидия миқдори амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача оширилсин;

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З. Маҳкамова) Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда камида 20 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни касаначилик асосида иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар йили бир маротаба ҳар бирининг қиймати 50 миллион сўм бўлган лойиҳалар танловини ўтказсин;

янги иш бошлаётган касаначилар фаолиятини йўлга қўйиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда уларга услубий ёрдам бериш учун хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан лидер касаначиларни жалб этган ҳолда ўқув курслари ташкил этилсин;

«Аёллар дафтари»га киритилган камида 5 нафар ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда ижара ҳақи 50 фоиз миқдорда ундирилсин;

ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлари умумий сонининг камида 70 фоизи «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлаб қолган тадбиркорлик субъектлари давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи тўловидан 2027 йил 1 октябрга қадар озод этилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

Мазкур бандда назарда тутилган «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда ижара тўловлари учун бериладиган имтиёзларнинг шартлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Касаначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича 2022 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З. Маҳкамова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда қўйидаги чораларни кўрсин:

ҳар бир туман (шаҳар)да хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ҳузурида лидер касаначиларни жалб этган ҳолда «маслаҳат соатлари»ни жорий этиш;

ҳудудларда касаначилик орқали янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари ўртасида «Энг намунали тадбиркор» кўрик-танловини ўтказиш.

4. Белгилансинки:

маҳаллаларда ташкил этиладиган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилади;

марказлар бинолари маҳалла фуқаролари йиғини томонидан маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг тавсиясига асосан давлат мулкни ижарага бериш тартибига мувофиқ тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга ижарага берилади;

хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш фаолияти ташкил этилган марказларда битта йўналиш бўйича жалб қилинган ишлаб чиқариш таълими устalarининг меҳнатига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлашга рухсат берилади;

марказларда битта лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир нафар бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда 3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда давлат гранти ажратилади;

ажратилган давлат гранти ижтимоий лойиҳани амалга ошириш мақсадида марказларда ташкил этиладиган тикувчилик, қандолатчилик, пазандачилик ва турли ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун зарур бўладиган дастгоҳ, ускуна ва жиҳозлар харид қилишга йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Маҳаллаларда хотин-қизлар-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов) ҳамда Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов) билан биргаликда 3-иловада* кўрсатилган маҳаллаларда бўш ер участкалари ва бўш биноларнинг (бинолар бир қисмининг) марказлар ташкил этиш учун тегишли маҳаллаларга ажратилишини ва уларнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминласин;

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Т. Худайбергенов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (М. Убайдуллаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) билан биргаликда марказлар биноларини тадбиркорлик субъектларига 5 йилгача ижарага бериш ҳамда марказлар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда маҳаллаларга кўмаклашсин;

мазкур қарорга 3-иловада келтирилмаган барча маҳаллаларда босқич-ма-босқич марказлар барпо этилиши ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилиши чораларини кўрсин.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари З.М. Маҳкамова, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 сентябрь,
ПҚ–376-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**353** Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Уй-жой шароитини яхшилашга мухтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия берилган фуқароларнинг уй-жойларни сотиб олиш, қуриш ёки реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган имтиёз қарз олувчи ва бирга қарз олувчилар даромадининг бир солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг саксон бараваридан ошмаган қисмига татбиқ этилади;

2023 йилдан бошлаб ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган, қурилган ва реконструкция қилинган мол-мулк унга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз олти ой ичида бегоналаштирилганда, мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган даромадлар белгиланган тартибда солиққа тортилади.

3. 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартсиз қурилган уйлардаги квартираларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашга рухсат берилсин.

4. 2021 йилда янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида берилган субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномаларнинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин.

5. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг халқаро молия ташкилотларидан Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган маблағлар ҳисобидан «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖга (кейинги ўринларда — Компания) тижорат банклари томонидан аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун 3 йил муддатга 12 фоиз ставкада ва фоиз тўловларини ҳар 6 ойда тўлаш шarti билан 300 млрд сўмгача бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Компания ресурсларни тижорат банкларига 1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда маржа қўллаган ҳолда жойлаштирсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари йил якунига қадар:

уй-жойларни сотиб олиш ва ипотека кредитларини расмийлаштириш жараёнларида фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида вилоятлар марказларида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида ипотека марказларини ташкил этиш;

ипотека марказларида худудда уй-жой қурилишини амалга ошираётган қурилиш-пудрат (девелопер) ташкилотларининг сотув офисларини, тижорат банкларининг банк бурчаги ва кассаларини ҳамда хусусий нотариал идораларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда аҳолига уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия ажратиш жараёнларини рақамлаштириш, шунингдек, ипотека кредити ажратиш тартибини соддалаштиришни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

8. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норқулов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 сентябрь,
ПҚ–377-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**354 Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги капитал қурилишда буюртмачи хизматлари (кейинги ўринларда — буюртмачи хизматлари) фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, қурилишда босқичма-босқич лойиҳа бошқаруви ёндашувига ўтиш, давлат объектлари қурилишини бошқаришга хусусий секторни кенг жалб қилишга имконият яратиш орқали қурилиш сифатини ошириш ҳамда қурилиш жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

2023 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги буюртмачи хизматлари ва уларнинг ҳудудий филиалларини, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги буюртмачи хизматининг ҳудудий филиалларини (кейинги ўринларда — тугатилаётган буюртмачи хизматлари) тугатиш;

тугатилаётган буюртмачи хизматлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобидан лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётган объектларнинг буюртмачиси сифатида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларини (кейинги ўринларда — инжиниринг компаниялари) белгилаш;

2023 йил 1 январга қадар инжиниринг компанияларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини давлат унитар корхонаси шаклига ўзгартириш.

2. Белгилансинки:

инжиниринг компаниялари тугатилаётган буюртмачи хизматларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги «Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси республика ҳудудларида иссиқлик тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради.

3. Тугатилаётган буюртмачи хизматлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

кент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш муддати 2022 йил этиб белгиланган объектлардаги қурилиш ишларини жорий йилнинг 1 декабрига қадар тўлиқ якунлаб, фойдаланишга топширилишини таъминласин;

жорий йил 1 декабрга қадар объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш муддати 2022 йил 1 декабрдан ўтадиган, жорий йилда фойдаланишга топшириш имкони бўлмайдиган ва келгуси йилларга ўтувчи объектларнинг ҳудудий жойлашуви бўйича инжиниринг компанияларига топширилишини таъминласин;

объектларни инжиниринг компанияларига топширгунга қадар улар бўйича буюртмачи вазифасини бажариб борсин, молиялаштиришни амалга оширсин, тегишли ҳисоботларни қабул қилсин ва топширсин.

4. Буюртмачи хизматлари фаолиятини тугатиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тугатилаётган буюртмачи хизматлари томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятлар ва объектларни топшириш, инжиниринг компаниялари томонидан эса қабул қилиб олиш ишларига кўмаклашиш;

фойдаланишга топшириш ёки инжиниринг компаниясига ўтказишда муаммолари мавжуд ҳар бир объектни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

манфаатдор вазирлик ва идораларга таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, коммунал, спорт ва бошқа соҳалар учун идоравий қурилиш нормаларини жорий этишда кўмаклашиш;

буюртмачи хизматлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳамда улар асосида тегишли қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тугатилаётган буюртмачи хизматларига тегишли бўлган бино-иншоотлар ва товар-моддий бойликлар уларнинг муассислари ёки инжиниринг компаниялари ихтиёрига ўтказилишини таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича:

буюртмачи хизматларининг бизнес-режаси уларнинг муассиси (вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

буюртмачи хизматлари раҳбарларига иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳамда фаолиятини яхшилаш мақсадида ички тузилмани ўзгартиришга ҳамда штатлар жадвалини кўриб чиқишга рухсат берилади;

заруратга кўра, буюртмачи хизматлари ўз вазифаларини сифатли бажариши учун, шу жумладан объектларни лойиҳалаш учун техник шартларни мукамал тайёрлаш мақсадида уларнинг сақлаш харажатлари доирасида илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, бошқа ташки-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лотлар, хусусан хорижий компанияларни ҳамда юқори малакали ва малакали мутахассисларни жалб қилади;

буюртмачи хизматларининг директори ва директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда муассиснинг қарори билан амалга оширилади;

буюртмачи хизматларининг директори корхона фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда муассис ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига ҳисобот беради;

буюртмачи хизматларининг фаолияти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бош бошқармаларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига 14 та штат бирлигидан иборат Буюртмачи хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини юритиш департаменти ташкил этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги икки ой муддатда буюртмачи хизматларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг фаолиятига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш, зарур давлат ахборот тизимлари ва ресурсларига улаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

а) икки ой муддатда:

инжиниринг компанияларига малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

лойиҳа ҳужжатлари ва қурилиш ишлари сифатини ошириш ҳамда замонавий лойиҳа бошқаруви тизимини яратиш мақсадида инжиниринг компанияларининг штат жадвалига «лойиҳа бошқаруви бўйича мутахассис», «лойиҳа архитектори», «лойиҳа муҳандиси» лавозимларини киритсин;

инжиниринг компанияларини қурилиш жараёнини бошқариш, иш ҳажми ҳисобини юритиш, харажатларни назорат қилиш, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини мувофиқлаштириш, қурилиш ҳужжатлари билан ишлашга мўлжалланган махсус дастурий таъминот ва сервер ускуналари билан таъминласин;

б) доимий равишда инжиниринг компаниялари ходимларининг малакасини ошириб борсин ва уларнинг амалий стажировкаларини тизимли йўлга қўйсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги 2022 йил 1 декабрга қадар Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қўйидагилар назарда тутилсин:

қурилишда буюртмачи хизмати учун тўланадиган ҳақ миқдорларини лойиҳани бошқариш ва техник назоратни амалга ошириш харажатлари бўйича нормативларни алоҳида-алоҳида ҳисоблаган ҳолда тасдиқлаш;

буюртмачи хизмати тузилмасини объектлар сони, ҳажми ва қийматига қараб унинг директори томонидан белгилаш.

Белгилансинки, лойиҳа (объект)нинг қиймати ёки капитал қўйилмалар лимитларини мақбуллаштиришда буюртмачи хизматига тўланадиган хизмат ҳақини камайтириш тақиқланади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда буюртмачи хизматлари ходимлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш бўйича низомни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ҳар бир ҳудудда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари, консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган, қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган, қурилиш ва (ёки) реконструкция қилиш ишлари 2023 йил 1 январдан бошланадиган камида 10 та объектда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда консалтинг хизматлари, лойиҳа бошқаруви хизматлари ҳамда техник назорат хизматларини кўрсатиш давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ танлаб олинadиган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий ташкилотлар томонидан амалга оширилиши тартиби жорий қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилишда аутсорсинг асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқласин.

Қурилиш вазирлиги:

2023 йил 1 апрелга қадар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида техник назорат ишларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини баҳолаш платформасини жорий қилсин. Бунда, рейтинг платформаси учун лойиҳалардаги мақбуллаштириш, қурилиш муддатини қисқартириш, сифатини ошириш, хавфсизлигини таъминлаш мезонлари асос қилиб олинсин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган техник назорат ишларининг самарадорлигини назорат қилсин ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни доимий равишда Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

буюртмачи хизматлари техник топшириқлар ҳамда унга қўйиладиган функционал ва эксплуатация талабларини идоровий қурилиш нормаларига асосан ишлаб чиқади ва эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишади;

буюртмачи хизматларига техник топшириқ, эскиз лойиҳаси, унга қўйиладиган функционал ва эксплуатация талабларини ишлаб чиқишни аутсор-

синг шартномалари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда амалга ошириш ваколати берилади;

буюртмачи хизматлари томонидан лойиҳа ташкилотини танлаш учун харид қилиш ҳужжатларига қурилиш объектнинг эскиз лойиҳаси ҳамда унга қўйиладиган минимал функционал ва эксплуатация талаблари киритилиши шарт;

б) 2023 йил 1 январдан бошлаб оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини ўтказиш бўйича мажбурий тартиб белгиланади.

Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектлар учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини ўтказиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, архитектура танловининг ҳакамлар ҳайъатини шакллантириш тартиби, иштирокчиларни баҳолаш мезонлари, мукофот жамғармаси, танловни ўтказиш муддатлари ва танловни ёритиш тартиби назарда тутилсин;

в) 2023 йил 1 мартдан бошлаб марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг смета қийматини аниқлаш Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаларини интеграция қилган ҳолда, Қурилиш вазирлиги томонидан жорий этиладиган «Қурилиш ресурслари миллий классификатори» электрон платформаси асосида амалга оширилади.

10. Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлиги:

бино ва иншоотларга қўйиладиган минимал функционал ва эксплуатация талабларини, шу жумладан замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ва ушбу объектлардан фойдаланиш харажатларини оптималлаштиришга доир талабларни, идоровий қурилиш нормаларини Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаб борсин;

объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида уларнинг идоровий қурилиш нормаларига мувофиқлигини назорат қилсин.

Мазкур бандда кўрсатилган вазирликларга инжиниринг компаниялари, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, тасарруфидаги объектларда олиб борилаётган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича ўрганиш ўтказиб, инжиниринг компанияларига идоровий қурилиш нормаларига асосланган таклиф ва мулоҳазаларни билдириш ҳуқуқи берилсин.

11. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази ва Қурилишда стандартлаштириш республика маркази негизида давлат муассасаси шаклида Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

Қурилиш вазирлиги икки ой муддатда:

Институт фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Институтга малакали раҳбар ҳамда маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилсин;

тугатилаётган Қурилишда техник меъёрлаш марказининг Давлат бюджетини ҳисобидан молиялаштирилган штат бирликларини Қурилиш вазирлигининг марказий аппаратида ўтказсин ҳамда вазирликнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиради.

12. 2023 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги амалиётлар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали амалга оширилади:

инвестиция ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилган объектларнинг манзилли рўйхатини ҳар бир лойиҳага идентификация рақами бериш орқали электрон тарзда шакллантириш ва тасдиқлаш (давлат сирини ташкил этувчи махфийлик даражасига эга объектлар бундан мустасно);

қурилиш жараёнида йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан муаллифлик ва техник назорат бўйича мутахассислар томонидан пудрат ташкилотига кўрсатма бериш ҳамда унинг ижроси юзасидан назорат ўрнатиш.

13. Молия вазирлиги:

тугатилаётган буюртмачи хизматларининг 2022 йил учун харажатлар сметасини белгиланган тартибда қайта рўйхатга олсин. Бунда ишдан бўшаётган ходимлар учун компенсация тўловлари назарда тутилсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда инжиниринг компаниялари буюртмачилигида амалга оширилаётган қурилиш жараёнини молиялаштиришни режалаштириш ва пудратчи ташкилотлар олдидаги мавжуд кредитор қарздорликни сўндириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мақбуллаштириш натижасида ишдан бўшайдиган ходимларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

14. Буюртмачи хизматлари фаолиятини тугатиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи:

уч ой муддатда вазирлик ва идоралар ҳузурида ташкил этилган буюртмачи хизматларини босқичма-босқич тугатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2022 йил 1 декабрга қадар Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда тугатилаётган буюртмачи хизматларига тегишли бино ва иншоотлар, товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда хатловдан ўтказсин ҳамда мазкур мулклардан самарали фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Қурилиш вазирлиги:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

жорий йил якунига қадар Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва бошқа олий таълим муассасаларини жалб қилган ҳолда қурилиш соҳасида лойиҳаларни бошқариш ва техник назоратни амалга ошириш бўйича ривожланган давлатлардаги таълим стандартлари ва дастурларига асосан лойиҳаларни бошқарувчи ва техник назорат бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишга оид ўқув дастурларининг қайта кўриб чиқирилишини таъминласин;

техник назорат бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-амалиёт жараёнини самарали ташкил этиб, буюртмачи хизмати мутахассисларининг малакасини доимий тарзда ошириб бориш тизимини жорий этсин;

б) 2023 йил 1 июлга қадар фуқаролар учун геолокацияси кўрсатилган ҳолда, қурилиш ишларини олиб бориш учун берилган барча рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шу жумладан қурилиш назоратини олиб боришда чиқарилган хулосалар билан танишиш имконини берувчи очиқ электрон тизим яратсин;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қурилиш вазири Б.И. Закиров ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари А.М. Бобоев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 сентябрь,
ПҚ–378-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги
ПҚ–378-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Вазирликлар ҳузуридаги тугатилаётган буюртмачи
хизматлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари
РЎЙХАТИ**

1. Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» давлат муассасаси ва унинг ҳудудий филиаллари;
2. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси;
3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси» давлат муассасаси;
4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Тиббиёт қурилиш инжиниринг» давлат унитар корхонаси;
5. Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси» давлат муассасаси;
6. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги «Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонасининг ҳудудий филиаллари;
7. Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий филиаллари.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

355 Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга уларнинг уй шароитида даволаниши учун зарур бўлган реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ҳамда уларга мазкур воситаларни текин ижарага бериш тизими асосида фойдаланиш учун бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ–217-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ–217-сон қарорининг:

1-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болалар давлат томонидан тиббий-ижтимоий ёрдам доирасида патогенетик дорилар, тиббий ва ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан кафолатли таъминланиши;

2-бандининг «а» кичик банди иккинчи хатбошисига мувофиқ спинал мушак атрофияси клиник аломатларига эга бўлган болалар, уларнинг клиник ташхислари, клиник ташхиснинг молекуляр-генетик усуллар билан тасдиқланган хулосалари, оила аъзоларининг ген ташувчилиги тасдиқланганлар ҳамда ушбу касаллик билан туғилишнинг олдини олишга қаратилган чоралар бўйича электрон маълумотлар базаси юритилиши;

6-бандининг биринчи хатбошисига мувофиқ спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни даволаш учун маблағларни жамлаш, шу жумладан, хайрия ва ҳомийлик маблағларини жалб қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигида юридик шахс бўлмаган Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги;

9-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган уй шароитида даволанаётган бемор болаларни реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ва мазкур воситаларни текин ижарага бериш тизимини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга уларнинг уй шароитида даволаниши учун зарур бўлган реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ҳамда уларга мазкур воситаларни текин ижарага бериш тизими асосида фойдаланиш учун бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан Педиатрик тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан биргаликда реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтож бемор болалар рўйхатини мунтазам равишда шакллантириб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари томонидан ҳар икки йилда бир марта 5 декабрга қадар болаларни реабилитация қилишнинг техник воситалари ўртача нархини шакллантириш ва тегишли ҳудудий молия органлари билан келишган ҳолда 15 декабрга қадар тасдиқлаш тартиби;

бемор болалар рўйхатини туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан ҳар йили 1 декабрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаларига тақдим этиш тартиби;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари томонидан ҳар йили 30 декабрга қадар бемор болалар рўйхатини умумлаштирган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига йиллик зарур маблағларни ажратиш бўйича буюртманома бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан ҳар йили келгуси йилнинг 1 апрелига қадар буюртманома асосида маблағ ажратиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари томонидан бемор болаларни реабилитация қилишнинг техник воситалари билан текин ижарага бериш тизими асосида таъминлаш тартиби;

бемор болаларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари томонидан реабилитация қилишнинг техник воситаларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаларига қайтариш тартиби.

3. Белгилансинки:

2022 йил 15 октябрга қадар жорий йилда спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга уларнинг уй шароитида даволаниши учун зарур, шу жумладан, текин ижарага бериш тизими асосида фойдаланиш учун бериладиган реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш учун зарур маблағлар Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Жамғарма ҳисобидан ажратилади;

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги реабилитация

қилишнинг техник воситаларини харид қилиш бўйича буюртмачи ҳисобланади;

2023 йилдан бошлаб реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш учун зарур бўлган маблағлар мазкур қарорга иловага мувофиқ тасдиқланган Низом талаблари асосида ажратилади;

реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиниши «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилсин.

5. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарорнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини аҳоли ҳамда ижрочилар ўртасида тушунтиришга қаратилган ўқув-семинарларни ташкил қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари қотибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 19 сентябрь,
509-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 19 сентябрдаги 509-сон қарорига
ИЛОВА

**Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга
уларнинг уй шароитида даволаниши учун зарур бўлган
реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ҳамда
уларга мазкур воситаларни текин ижарага бериш тизими
асосида фойдаланиш учун бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга (кейинги ўринларда — бемор болалар) уларнинг уй шароитида реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, шу жумладан, уларга мазкур воситаларни текин ижарага бериш тизими асосида фойдаланиш учун бериш тартибини белгилайди.

2. Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга уларнинг

уй шароитида реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ таъминланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

спинал мушак атрофияси — орқа миянинг ҳаракат нейронлари зарарланиши ҳамда ривожланиб боровчи мушаклар кучсизлиги билан кечадиган наслий асаб-мушак касаллиги;

реабилитация қилишнинг техник воситалари — ногиронлиги бўлган шахс, жумладан, ногиронлиги бўлган боланинг турғун ҳаёт фаолияти чекланганлигини компенсация қилиш ёки бартараф қилиш учун мўлжалланган махсус воситалар.

4. Бемор болалар ортопедик кресло-коляскалар, корсетлар, тугор, ортезлар билан Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 1 июлдаги 411-сон қарорига асосан туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан бепул таъминланади.

5. Бемор болалар ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган реабилитация қилишнинг техник воситалари билан уларнинг яшаш жойидаги Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг (кейинги ўринларда — ПТИЭК) муҳтожлик тўғрисидаги тиббий хулосаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда-худудий бошқармалар) томонидан таъминланади, шу жумладан, уларга мазкур воситалар вақтинча текин фойдаланиш учун берилади.

6. Мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ реабилитация қилишнинг техник воситалари ушбу воситаларга муҳтож бемор болаларга реабилитация қилишнинг техник воситаларини белгиланган тартибда олишда муайян муддатларда кутиш имкони йўқлиги, даволаш, уларнинг муолажаларини кузатиб боровчи шифокорларнинг хулосаси ва ПТИЭКнинг тиббий хулосасига кўра текин ижарага бериш тизими асосида вақтинча фойдаланиш учун берилади.

2-боб. Реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтож бемор болалар рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни таъминлаш учун маблағ ажратиш

7. Бемор болаларга реабилитация қилишнинг техник воситалари ПТИЭКнинг муҳтожлик тўғрисидаги тиббий хулосаси асосида берилади.

Бунда боланинг «ногиронлиги бўлган бола» эканлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳамда унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилининг аризаси асосида тегишли тиббий хулоса расмийлаштирилади.

8. Тиббий хулосаларнинг асосланганлиги ва тўғри расмийлаштирилиши учун уни расмийлаштирган ва имзолаган шахслар жавобгар ҳисобланади.

9. Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари ПТИЭК ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан биргаликда реа-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билитация қилишнинг техник воситаларига муҳтож бемор болалар рўйхатини шакллантиради ва мунтазам равишда янгилаб боради.

10. Реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтож бемор болалар рўйхати туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан ҳар йили 1 декабрга қадар тегишлича ҳудудий бошқармаларга электрон шаклда тақдим этилади.

11. Ҳудудий бошқармалар томонидан реабилитация қилишнинг техник воситалари ўртача нархлари ҳар икки йилда бир марта 5 декабрга қадар кейинги йил учун шакллантирилади.

Бунда реабилитация қилишнинг техник воситалари ўртача нархи ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи ташкилотларнинг ушбу маҳсулотлар бўйича расмий эълонлари, прайс-варақларда кўрсатилган нарх тўғрисидаги маълумотлардан ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан расман кўрсатилган нархлар тўғрисидаги маълумотлар асосида шакллантирилади,

12. Реабилитация қилишнинг техник воситаларининг шакллантирилган ўртача нархлари ҳудудий бошқармалар томонидан ҳар икки йилда бир марта 15 декабрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари билан келишилиб, тасдиқланади.

13. Ҳудудий бошқармалар реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтож бемор болалар рўйхатини умумлаштиради ҳамда ҳар йили 30 декабрга қадар кейинги йил учун зарур бўладиган йиллик маблағларни ажратиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига буюртманома беради.

14. Реабилитация қилишнинг техник воситалари учун харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қопланади ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан ҳар йили келгуси йилнинг 1 апрелига қадар ажратилади.

Реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиниши «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бемор болаларни реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш ҳамда уларга мазкур воситаларни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш, уларни янгилаш ҳамда техник хизмат кўрсатишга зарур бўлган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий бошқармалар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг талабларига мувофиқ тақдим этилади.

**3-боб. Бемор болаларни реабилитация қилишнинг
техник воситалари билан текин ижарага бериш тизими
асосида таъминлаш**

15. Реабилитация қилишнинг техник воситалари «Давлат харидлари

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан ҳудудий бошқармалар томонидан харид қилинади.

16. Бемор болалар тегишли реабилитация қилишнинг техник воситалари билан етказиб берувчи ташкилотдан қабул қилиб олингандан кейин ўн кун муддатда ҳудудий бошқармалар томонидан таъминланади.

Реабилитация қилишнинг техник воситалари ҳудудий бошқармалар томонидан муҳтож бемор боланинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилига шартнома асосида топширилади.

Бунда шартнома шакли Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан белгиланади.

17. Ҳудудий бошқармалар томонидан бемор болалар учун реабилитация қилишнинг техник воситалари уларнинг яшаш жойига етказиб берилади.

18. Реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланган бемор бола соғайиб кетганлиги ёки вафот этганлиги сабабли унга берилган реабилитация қилишнинг техник воситаларидан фойдаланишга зарурат қолмаганда, уни қабул қилиб олган боланинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатда шартнома расмийлаштирилган ташкилотга қайтарилиши шарт.

4-боб. Реабилитация қилишнинг техник воситаларини таъмирлаш ёки алмаштириш

19. Реабилитация қилишнинг техник воситалари кафолат муддатида носоз бўлиб қолганда, у шартнома шартларига мувофиқ реабилитация қилишнинг техник воситаларини етказиб берган ташкилот томонидан бепул таъмирлаб берилади ёки бошқа яроқлисига алмаштирилади. Бунда ҳудудий бошқармалар томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

Реабилитация қилишнинг техник воситалари кафолат муддати тугагандан кейин носоз бўлиб қолганда, уларни таъмирлаш ёки алмаштириш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5-боб. Реабилитация қилишнинг техник воситаларини текин ижарага бериш тизими асосида вақтинча фойдаланиш учун бериш

20. Реабилитация қилишнинг техник воситалари сақланадиган хонада техник ва бошқа хавфсизлик чоралари кўрилган бўлиши шарт.

21. Фуқароларга реабилитация қилишнинг техник воситаларини вақтинча текин фойдаланиш учун олиш тартиблари, муддатлари, ушбу воситалардан тўғри фойдаланиш усуллари тўғрисида ҳудудий бошқармалар томонидан батафсил тушунтириш берилади.

22. Реабилитация қилишнинг техник воситалари фуқароларга уч ойдан ошмаган муддатга текин фойдаланиш учун берилади.

Зарурат бўлган ҳолларда, фуқаронинг аризасига кўра реабилитация қи-

лишнинг техник воситаларидан фойдаланиш муддати яна икки ой муддатгача узайтирилиши мумкин.

Бунда бемор болаларни даволаш, уларнинг муолажаларини кузатиб боровчи шифокорларнинг хулосаси ва ПТИЭКнинг тиббий хулосасига асосан ушбу воситалардан вақтинча текин фойдаланиш учун бериш муддати узайтирилиб берилади.

23. Вақтинча текин фойдаланиш учун беришда, захирада бемор болаларга фавқулудда вазиятлар учун реабилитация қилишнинг техник воситаларининг ҳар биридан доимий равишда бир дона (ёки жуфт)дан сақланиб турилади.

24. Вақтинча текин фойдаланиш учун берилган реабилитация қилишнинг техник воситаларидан бемор болалар томонидан мақсадли фойдаланиш уларнинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан назорат қилиб борилади.

6-боб. Яқунловчи қондалар

25. Реабилитация қилишнинг техник воситаларини бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

26. Реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш учун бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

27. Бемор болаларни реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш ёки уларга мазкур воситаларни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш натижасидан норози бўлган тақдирда, бемор боланинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили юқори турувчи орган ёхуд судга мурожаат қилиши мумкин.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**356 Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ–5117-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган интилишларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ–5117-сон қарори 4-бандига мувофиқ қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 50 млн сўмгача маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш амалиётини йўлга қўйиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, 50 млн сўмгача бўлган бир марталик субсидиялар тадбиркорлик субъекти бўлган нодавлат таълим ташкилотларига камида 6 ой муддат давомида қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш шарти билан ажратилади.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2022 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин:

нодавлат таълим ташкилоти томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қилиш тартиби;

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотларни баҳолаш орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг қарори асосида ҳар чорақда субсидия ажратиш;

нодавлат таълим ташкилотларига баҳолаш мезонлари асосида тўпланган балларга мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг ҳудудий бошқармалари томонидан 50 млн сўмгача субсидия ажратиб бориш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоким-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

ликлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиладиган қишлоқ ҳудудлари рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқласин.

Бунда қишлоқ ҳудудлари рўйхатига ҳар йили бир марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлиги инобатга олинсин.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 октябрга қадар:

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида муносабатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг талаблари бузилган ҳолларда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чораларини қўлласин.

6. Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш учун:

икки ой муддатда «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш;

2023 йил ва ундан кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида зарур маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари параметрларида назарда тутиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 20 сентябрь,
513-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 сентябрдаги 513-сон қарорига
ИЛОВА

**Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини
ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий
бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия (кейинги ўринларда — субсидия) ажратиш тартибini белгилайди.

2. Ушбу Регламент жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) бўлган тадбиркорлик субъектларига, республика бўйсунувидаги шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар, туман бўйсунувидаги шаҳарлар ва шаҳарчаларда жойлашган нодавлат таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Молия вазирлиги томонидан ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари параметрларини шакллантиришда нодавлат таълим ташкилотларига ажратиладиган субсидиянинг энг кўп миқдори инобатга олинади.

4. Субсидия нодавлат таълим ташкилотларига:

бино ва ўқув хоналарини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мебель, асбоб-ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа анжомлар билан жиҳозлаш;

зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа кутубхона-ахборот ресурслари ҳамда воситалари билан таъминлаш, таълим жараёнини ташкил этишга жалб этиладиган педагог кадрлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун ажратилади.

5. Нодавлат таълим ташкилотларига субсидия Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг ҳудудий вакили, Давлат солиқ бошқармаси ва Молия бошқармаси (кейинги ўринларда — масъул ташкилотлар) томонидан тақдим этилган маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — маҳаллий ҳокимликлар) томонидан баҳолаш асосида ажратилади.

6. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан айнан бир нодавлат таълим ташкилотига бир мартадан кўп субсидия ажратилишига йўл қўйилмайди.

7. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан нодавлат таълим ташкилотларига хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун бир марталик субсидия календарь йилнинг ҳар чорагида мазкур Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш

8. Нодавлат таълим ташкилотининг раҳбари ёки ишончнома берилган вакили (кейинги ўринларда — талабгор) субсидия олиш учун календарь йилнинг ҳар чораги биринчи ойининг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) электрон рўйхатдан ўтган ҳолда муурожаат қилади.

Талабгор томонидан субсидия олиш учун мазкур Регламентга 2-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ сўровнома тўлдирилади ҳамда қуйидаги ҳужжатлар электрон («pdf») шаклда илова қилинади:

нодавлат таълим ташкилотининг таълим фаолиятини ривожлантириш бўйича камида икки йилга мўлжалланган бизнес режаси;

нодавлат таълим ташкилотининг маҳсулот етказиб бериш ёки ишларни (хизматларни) бажариш тўғрисида тузилган ва амал қилиш муддати тугамаган хўжалик шартномалари;

педагог кадрлар билан тузилган меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар;

мавжуд педагог кадрларнинг хорижий тилни билиш даражасини тасдиқловчи миллий сертификати ёки халқаро тан олинган сертификатлари;

таълим жараёнида фойдаланилаётган бино ёки ўқув хоналарининг ижара шартномаси (кўчмас мулк ижараси асосида фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари учун).

Талабгордан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Талабгор томонидан давлат хизматидан фойдаланиш учун тўлов амалга оширилмайди.

9. Сўровнома тўлдирилиб, тегишли ҳужжатларнинг нусхалари илова қилингандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, электрон рақамли имзоси билан, электрон рақамли имзо бўлмаганда эса жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди.

10. Талабгор ЯИДХП орқали тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Талабгор томонидан ЯИДХП орқали тасдиқланган сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар автоматик тарзда тегишли маҳаллий ҳокимликка юборилади.

12. Маҳаллий ҳокимликнинг масъул ходими бир иш кунида электрон сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлигини текширади. Ҳужжатларда камчиликлар аниқланганда, бу ҳақда талабгорга ЯИДХП орқали ҳокимлик масъул ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган хабарнома юборилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тушунтириш берилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Талабгор мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, белгиланган ҳужжат топшириш муддати ичида такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

13. Маҳаллий ҳокимлик ва масъул ташкилотлар ўртасидаги ахборот ал-машинуви электрон рақамли имзони қўллаш орқали идоралараро электрон ҳамкорлик тизими асосида амалга оширилади.

14. Сўровнома тўғри тўлдирилган ва ҳужжатлар тўлиқ илова қилинган тақдирда, маҳаллий ҳокимликнинг масъул ходими томонидан бир иш кунида ЯИДХП орқали талабгорга ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида хабарнома юборилади.

15. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади.

3-боб. Субсидия олиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш ва баҳолаш

16. Маҳаллий ҳокимлик сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда, жумладан, нодавлат таълим ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасини махсус электрон ахборот тизими ҳамда таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ёки тасдиқномани «Лицензия» ахборот тизими орқали мустақил равишда текширади.

17. Талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ эканлиги текширилгандан сўнг сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар маҳаллий ҳокимлик томонидан бир иш кунида масъул ташкилотларга юборилади.

Масъул ташкилотлар ҳар чоракнинг биринчи ойи 20-санасига қадар мавжуд маълумотлар базаси орқали сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, электрон шаклда қуйидаги маълумотларни маҳаллий ҳокимликка тақдим этади:

Молия бошқармаси — нодавлат таълим ташкилотига ажратиладиган субсидиянинг миқдори;

Давлат солиқ бошқармаси — нодавлат таълим ташкилотининг бино ёки ўқув хоналари бўйича ижара шартномаси (кўчмас мулк ижараси асосида фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари учун), педагог кадрлар ва таълим олувчилар билан тузилган шартномалар ҳамда ҳисобварағидаги маблағлар айланмаси даврийлиги ва миқдори;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг ҳудудий вакили — нодавлат таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган бизнес-режанинг мақсадга мувофиқлиги.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Тошкент вилояти ҳокимининг sanoатни

ривожлантириш, молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари)га бўйсунувчи тегишли таркибий бўлинмаси томонидан масъул ташкилотлар тақдим этган маълумотлар ҳар чоракнинг биринчи ойи сўнгги санасига қадар таҳлил қилиниб, мазкур Регламентга 3-иловада* келтирилган баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳоланади.

19. Талабгорлар масъул ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларни баҳолаш жараёнида бевосита ёки масофадан туриб (онлайн тарзда) иштирок этиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимлик томонидан талабгорларга мурожаати кўриб чиқишидан камида уч кун олдин электрон тарзда ёки бошқа алоқа воситаси орқали хабар берилади.

20. Субсидия олиш юзасидан берилган сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар маҳаллий ҳокимликка келиб тушган санасига кўра рўйхатга олинган кетма-кетликка мувофиқ кўриб чиқилади.

Масъул ташкилотларнинг маълумотлари асосида ошкоралик ва холисликни таъминлаган ҳолда баҳолаш жараёни видеотасвирга туширилади ҳамда видеотасвир маҳаллий ҳокимликда уч йил сақланади.

21. Баҳолаш натижаларига кўра вилоят ҳокимининг (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг) нодавлат таълим ташкилотига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарори қабул қилинади.

Маҳаллий ҳокимликнинг субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарорларининг электрон реестри юритилади. Реестрга субсидия берилган ёки берилмаган нодавлат таълим ташкилотининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик манзили, субсидия беришга асос бўлган маҳаллий ҳокимлик қарори рақами ва санаси, берилган субсидия миқдори ёки субсидия беришни рад этиш сабаблари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

22. Нодавлат таълим ташкилотига субсидия ажратиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

талабгор томонидан нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилганда, сохта маълумотлар мавжуд бўлганда, шу жумладан, тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганлиги аниқланса;

сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларда нотўғри ва бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлса ёки тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар баҳолаш мезонларига мос келмаса;

баҳолаш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса;

илгари субсидия олган нодавлат таълим ташкилоти томонидан такрорий мурожаат қилинса.

Мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарор рад этишнинг сабаблари кўрсатилиб, QR-код қўйилган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилган ҳолда бир иш кунда ЯИДХП орқали талабгорга юборилади.

24. Баҳолаш натижасида тўпланган баллар кетма-кетлигига қатъий амал қилган ҳолда талабгорларга субсидия ажратилади.

Икки ёки ундан ортиқ талабгорларнинг баллари тенг бўлиб қолганда, календарь тартибида ЯИДХП орқали олдин мурожаат қилган талабгорга берилади.

Нодавлат таълим ташкилотларининг тўплаган балларига кўра мазкур Регламентга 4-иловада* белгиланган миқдорларда субсидия ажратилади.

25. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ёки вилоят ҳокимининг субсидия бериш тўғрисидаги қарори асосида ҳар чоракнинг иккинчи ойи 10-санасига қадар мазкур Регламентга 5-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ буюртманома тасдиқланади ҳамда электрон ҳужжат шаклида QR-код қўйилган ҳолда, идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли ҳудудий бошқармаларига (кейинги ўринларда — Фазначилик бошқармалари) юборилади.

26. Фазначилик бошқармалари томонидан маҳаллий ҳокимликларнинг буюртманомалари асосида субсидия ажратилади ҳамда ҳар чоракнинг иккинчи ойи 15-санасига қадар буюртманомада кўрсатилган миқдорда нодавлат таълим ташкилотларининг ҳисобварақларига ўтказиб берилади.

27. ЯИДХП орқали белгиланган тартибда мурожаат қилган ва субсидия бериш рад этилмаган талабгорлар маҳаллий бюджетда жорий чоракка субсидия ажратиш учун маблағлар етарли бўлмаганлиги сабабли субсидия олиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, кейинги чоракда субсидия олувчилар рўйхатида автоматик равишда киритилади.

4-боб. Ажратилган субсидиянинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш

28. Молия вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармалари маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда нодавлат таълим ташкилотларига берилган субсидияларнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади.

29. Нодавлат таълим ташкилотларига субсидия ажратиш бўйича ҳар чораклик ҳисобот маҳаллий ҳокимликлар томонидан календарь йилнинг ҳар чорагидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар Молия вазирлигига киритиб борилади.

30. Маҳаллий ҳокимликлар нодавлат таълим ташкилотларига субсидия ажратиш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда субси-

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дия ажратишга доир ҳисоботлар ҳақидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб боради.

31. Нодавлат таълим ташкилотларига ажратилган субсидиянинг сарфлаши устидан назорат Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Субсидиядан мақсадсиз фойдаланилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, нодавлат таълим ташкилотларига нисбатан молиявий санкциялар қўллаш ҳамда субсидияни суд тартибида ундириш чоралари кўрилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

32. Маҳаллий ҳокимликлар ва масъул ташкилотлар ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган нодавлат таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

33. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

34. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**357 Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ ижтимоий суғурта орқали ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаб бериш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 25 июлдаги ПФ–175-сон Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармонига мувофиқ бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги олти ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга Давлат бюджети ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси (кейинги ўринларда — нафақа) тўланиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 25 июлдаги ПФ–175-сон Фармонига мувофиқ Молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа Жамғарма ҳисобидан тўланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи:

а) Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ: ходимнинг фарзанди туғилгунга қадар минимал истеъмол харажатларининг 4 баравари миқдоридан нафақа тўланиши;

нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббиёт» ахборот тизимидан олинган электрон маълумотлар асосида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ) томонидан фуқароларнинг мурожаатларисиз «проактив шакл»да тайинланиши ва тўланиши;

«Ягона реестр» АТ томонидан АТ «Халқ банки»га тақдим этилган нафақа бўйича тўлов рўйхатлари асосида Жамғармадан зарур маблағларнинг мазкур банкка ўтказилиши ҳамда банк ва унинг бўлимлари томонидан нафақа

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

олувчиларнинг банк пластик карталарига ёки нақд пул кўринишида тўлаб берилиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Жамғарма маблағлари Молия вазирлигининг республика миқёсида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида йиғилиши;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар Молия вазирлиги департаменти директори томонидан тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган даромадлар ҳамда харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилиши;

Жамғарма маблағларининг бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда меҳнат шартномаси бўйича охирги олти ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш учун йўналтирилиши;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб, ҳисоботлар ва мониторинг Молия вазирлиги томонидан юритилиши.

3. 2022 йил 20 сентябрдан бошлаб:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги — ҳудудий амбулатор-поликлиникалар ва туғруқхона муассасалари томонидан ҳомиладорлик ҳамда туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган маълумотларнинг;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги — «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали аёлларнинг бандлиги ва иш стажи тўғрисидаги маълумотларнинг;

Адлия вазирлиги — «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали туғилган болалар, шу жумладан, ўлик туғилган болалар ҳамда фарзандликка олинган болалар тўғрисидаги маълумотларнинг;

Давлат солиқ қўмитаси — аёлнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали «Ягона реестр» АТга онлайн режимда тақдим этиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 20 сентябрь,
515-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш
нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда (кейинги ўринларда — юридик шахслар) меҳнат шартномасига асосан охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини (кейинги ўринларда — нафақа) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимининг алоҳида модули — идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик асосида ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини «проактив» шаклда тайинлаш ва тўлашни назарда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимининг таркибий қисми (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ);

Ижтимоий суғурта жамғармаси — Молия вазирлигида (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги) юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат бюджети ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан шакллантириладиган Жамғарма (кейинги ўринларда — Жамғарма);

нафақа олувчи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги юридик шахсда меҳнат шартномасига асосан охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёл;

тўлов рўйхат (ведомост)лари — нафақа олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт маълумотлари, банк пластик картаси орқали тўланганда тегишли тижорат банки ҳамда нафақа олувчининг банк пластик картаси реквизитлари ва тўланиши лозим бўлган нафақа суммасига доир маълумотлар акс этирилган, АТ «Халқ банки»га электрон кўринишда тақдим этиладиган ҳужжат;

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси — ҳудудий амбулатор-поликлиниканинг акушер-гинеколог томонидан бериладиган, нафақани тайинлаш ва тўлаш учун асос ҳисобланадиган ҳужжат (кейинги ўринларда — меҳнатга лаёқатсизлик варақаси).

3. Ушбу Низом бюджет ташкилотларида, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлайдиган аёлларга татбиқ этилмайди.

4. Нафақа ходимнинг фарзанди туғулгунига қадар минимал истеъмол харажатларининг (кейинги ўринларда — МИХ) 4 баравари миқдоридан тўланади.

МИХ миқдори ўзгарганда, МИХ миқдори эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб нафақа миқдори эълон қилинган МИХнинг янги миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимларга нафақа тайинлашда туман коэффиенти қўлланилмайди.

5. Нафақани тўлаш ва тўлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Юридик шахсларнинг нафақа тўлаш бўйича мажбуриятлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан тўланган нафақа миқдорида камайтирилади.

7. Нафақа «Ягона реестр» АТ томонидан фуқароларнинг мурожаатларисиз «проактив шакл»да Жамғарма маблағлари ҳисобидан тайинланади ва тўланади.

8. Нафақа ушбу Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича тайинланади ва тўланади.

2-боб. Нафақани тайинлаш тартиби

9. Белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси нафақани тайинлаш ва тўлаш учун асос бўлади.

10. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ундаги маълумотлар ҳудудий амбулатор-поликлиниканинг ёки туғруқхона муассасасининг масъул ходими томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббиёт» ахборот тизимига (кейинги ўринларда — «Тиббиёт» АТ) киритилади.

Бунда «Тиббиёт» АТга меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг серияси, рақами, санаси ҳамда нафақа олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШШИР), телефон рақами ва меҳнатга лаёқатсизлик даври киритилади.

11. «Тиббиёт» АТ томонидан ушбу Низомнинг 10-бандидаги маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлар асосида автоматик тарзда текширилади.

12. «Тиббиёт» АТ томонидан текширилган маълумотлар автоматик равишда «Ягона реестр» АТга юборилади.

13. «Ягона реестр» АТ томонидан нафақа олувчининг охириги олти ой давомида:

услуксиз иш стажига эга эканлиги — «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — «ЯММТ» ИДАК) орқали;

меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари мавжудлиги — Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базаси (кейинги ўринларда — ДСҚ базаси) орқали;

бюджет ташкилотларида ишлаши ёки ишламаслиги Молия вазирлигининг «UzASBO» дастурий мажмуаси (кейинги ўринларда — «UzASBO» ДМ) орқали автоматик равишда текширилади.

14. Нафақа олувчининг охириги 6 ой давомидаги узлуксиз иш стажини ҳисоблашда, «ЯММТ» ИДАКдаги бюджет ташкилотларидан ташқари юридик

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахсларда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган кунга қадар 6 ой узлуксиз иш стажи инobatга олинади.

Бунда ушбу даврда ўттиз бир кундан кўп бўлмаган танаффуслар бўлганда, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган кундан олдинги ўн икки ой давомидаги кетма-кет даврлар иш стажини ҳисоблашда қўлланилади. Агар охириги 6 ой давомидаги узлуксиз иш стажи даврида ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари мавжуд бўлмаса, ушбу давр иш стажини ҳисоблашда инobatга олинмайди.

Болани парваришлаш учун таътилда бўлган аёлнинг иш стажини ДСҚ базаси орқали текширишда унинг таътилга чиқишидан олдинги даври ҳисобга олинади.

15. Нафақа ходим йиллик (асосий ва қўшимча) меҳнат таътилида, болани парваришлаш учун таътилда, ишни вақтинча тўхтатиш ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, таълим ташкилотларида таҳсил олиши муносабати билан берилган таътилда бўлганда ҳамда иш жойи сақланадиган бошқа ҳолларда ҳам тўлаб берилади.

16. Нафақа олувчининг охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажи давридаги меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари мавжуд бўлса ва «ЯММТ» ИДАКда иш стажи тўғрисидаги маълумот бўлмаган тақдирда, бу ҳақда «Ягона реестр» АТ томонидан икки иш кун ичида нафақа олувчининг «Тиббиёт» АТда қайд этилган мобил телефон рақамига СМС-хабар, шунингдек, иш берувчининг ДСҚ базасидаги ва «ЯММТ» ИДАКдаги шахсий кабинетларига хабарнома юборилади.

Нафақа олувчининг иш стажи номутаносиблиги (нотўғри киритилганлиги ёки киритилмаганлиги) хабарнома олинган ойдан кейинги ойнинг охириги иш кунига қадар «ЯММТ» ИДАКда иш берувчи томонидан тўғриланиши лозим.

17. Хабарнома юборилган нафақа олувчиларнинг охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажи хабарнома юборилган ойдан кейинги ойнинг охириги иш кунига қайта текширилади.

Номутаносиблик тўғриланмаган ҳолларда, нафақа тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор «Ягона реестр» АТ томонидан автоматик тарзда шакллантирилади.

18. «Ягона реестр» АТ томонидан нафақа олувчининг охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажи, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари ва унинг юридик шахсларда ишлаши тасдиқланганда, нафақани тайинлаш тўғрисидаги қарор автоматик тарзда шакллантирилади.

19. «Ягона реестр» АТ томонидан:

нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, нафақанинг тўлов шакли ва муддати бўйича;

нафақа тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, рад этиш сабаблари бўйича нафақа олувчининг «Тиббиёт» АТда қайд этилган мобил телефон рақамига СМС-хабар, шунингдек, иш берувчининг ДСҚ базасидаги ва «ЯММТ» ИДАКдаги шахсий кабинетларига автоматик тарзда хабарнома юборилади.

3-боб. Нафақани тўлаш тартиби

20. «Ягона реестр» АТ томонидан ҳар ойнинг 4-санасига қадар нафақа бўйича тўлов рўйхат (ведомост)лари АТ «Халқ банки»га тақдим этилади ҳамда Жамғарманинг ғазна ҳисобварағидан зарур маблағлар белгиланган тартибда АТ «Халқ банки»га ўтказиб берилади.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатнинг охири куни байрам ва дам олиш кунларига тўғри келганда, тўлов рўйхат (ведомост)лари ва зарур маблағлар кейинги 2 иш куни мобайнида АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши ва молиялаштирилиши мумкин.

21. Нафақани тўлаш учун АТ «Халқ банки» ва унинг бўлимларида алоҳида махсус банк ҳисобварақлари очилади.

22. «Ягона реестр» АТ томонидан тўлов рўйхат (ведомост)лари банк пластик картаси бўйича шакллантирилади. Бунда тегишли банклараро репрессинг марказларидан нафақа олувчининг номига очилган, актив ҳолатда бўлган, охири 60 кун давомида охири транзакция амалга оширилган банк пластик картаси танлаб олинади.

Нафақа олувчининг банк пластик картаси бўлмаганда, тўлов нақд пул кўринишида амалга оширилади.

23. АТ «Халқ банки» ва унинг бўлимлари томонидан нафақа:

нафақа олувчиларнинг банк пластик картасига тўлов амалга ошириладиган ойнинг 10-санасига қадар ўтказилади;

нақд пул кўринишида тўлов амалга ошириладиган ойнинг 27-санасига қадар берилади.

24. АТ «Халқ банки» ва унинг бўлимлари томонидан нафақани нақд пул кўринишида нафақа олувчининг мурожаатига асосан, бироқ нафақа тайинланганлиги тўғрисида СМС-хабар юборилган кундан бошлаб тўқсон кун давомида белгиланган тартибда тўланади.

25. Жорий ой мобайнида нафақа олувчилар томонидан талаб қилинмаган маблағларни АТ «Халқ банки» махсус ҳисобварақлардан келгусида тўлаш учун Жамғарманинг ғазна ҳисобварағига қайтариши керак.

26. АТ «Халқ банки» ва унинг бўлимлари ҳар ойнинг охири иш кунига қадар ушбу ой учун ва йил бошидан амалга оширилган тўловлар ҳамда тўланмаган маблағлар ҳақидаги маълумотларни «Ягона реестр» АТга тақдим этади.

27. Нафақа тўловлари бўйича АТ «Халқ банки» кўрсатадиган хизматлар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда Молия вазирлиги билан АТ «Халқ банки» ўртасида тузиладиган шартномага асосан ҳақ тўланади.

4-боб. Нафақа тайинланганлигини мониторинг қилиш

28. Нафақа тайинланганлигини мониторинг қилиш тегишли ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилади.

29. «Ягона реестр» АТ томонидан нафақа тайинлангандан кейин тўқ-

сон кунда «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали автоматик равишда бола туғилганлиги, шу жумладан, ўлик туғилганлиги ёки туғилган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги маълумотлар текширилади.

Текшириш натижасида бола туғилганлиги, шу жумладан, ўлик туғилганлиги ёки туғилган болани фарзандликка олиш қайд этилмаган ҳолатлар бўйича нафақа олувчиларнинг рўйхати ҳудудлар кесимида шакллантирилади.

30. Шакллантирилган рўйхат Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармалари масъул ходимлари ва (ёки) туман (шаҳар) молия бўлимлари ходимлари томонидан ҳар ой якунига қадар ФХДЁ органлари ва (ёки) тиббиёт муассасасига борган ҳолда танлов асосида ўрганилади.

Ўрганиш натижалари бўйича ФХДЁ органлари ва (ёки) тиббиёт муассасасининг масъул ходимлари иштирокида далолатнома расмийлаштирилади ҳамда «Ягона реестр» АТда қайд этилади.

31. Нафақа ходимга ноқонуний тўланганлиги аниқланган тақдирда, хатоликка йўл қўйган ташкилотнинг бўйсунув тартибида юқори турувчи ташкилотига масъул ходимларнинг хатти-ҳаракатига баҳо бериш учун ёзма хабар берилади ҳамда туман (шаҳар) молия бўлимларининг масъул ходимлари томонидан нотўғри тўланган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1030-моддасига мувофиқ қайтариш чоралари кўрилади.

Нафақа олувчининг виждонсизлиги ёки ҳисоб-китоблардаги хатоликлар туфайли нотўғри тўланган нафақа нафақа олувчи томонидан Жамғармага бир ой ичида қайтарилиши лозим. Бунда ихтиёрий равишда Жамғармага қайтарилмаган ёки тўлиқ қайтарилмаган маблағ суд тартибида ундирилади.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган асослардан бошқа сабаблар билан нотўғри тўланган нафақа хатоликка йўл қўйган ташкилот ходимидан белгиланган тартибда ундирилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

32. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан нафақа олувчи тўғрисида электрон шаклда автоматлаштирилган тарзда олинган маълумотлар «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

Тегишли давлат органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида нафақа олувчи тўғрисида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

33. Нафақа бола тирик ёки ўлик туғилиши, туғилган болани фарзандликка олиш ёхуд ҳомила тушишидан қатъи назар тўлаб берилади.

34. «Ягона реестр» АТда ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларида техник носозликлар ҳамда маълумотлар алмашинуви жараёнида узилишлар юзага келганда, ушбу ҳолатлар тўлиқ бартараф

этилгунга қадар меҳнатга лаёқатсизлик варақасидаги электрон маълумотларни киритиш, нафақани тайинлаш ва тўлаш муддатлари узайтирилиши мумкин.

35. Жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат инспекцияси томонидан назорат қилинади.

36. Қуйидагилар:

меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг санаси, серияси ва рақами, фуқаронинг телефон рақами ва меҳнатга лаёқатсизлик даври тўғрисидаги маълумотларнинг белгиланган тартибда, тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида киритилиши учун — ҳудудий амбулатор-поликлиникалар ёки туғруқхона муассасасининг маълумотларни киритувчи масъул ходими;

нафақа тайинланиши лозим бўлган аёлнинг «ЯММТ» ИДАКда меҳнат шартномаси ва бандлиги ҳақидаги маълумотларнинг киритилиши ҳамда иш стажи бўйича номутаносибликларнинг ўз вақтида тўғриланиши учун — иш берувчи;

АТ «Халқ банки»нинг махсус ҳисобварақларига зарур маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун — Молия вазирлиги масъул ходими;

махсус ҳисобварақлардаги маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун — туман (шаҳар) АТ «Халқ банки» бўлими раҳбарлари масъул этиб белгиланади.

37. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Ижтимоий суғурта жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мақоми, маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисоботини юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди.

3. Жамғарма маблағлари Молия вазирлигининг (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги) республика миқёсида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида йиғилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;
хорижий ва халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

5. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси келгуси йилда келиб тушиши кутилаётган маблағлар прогнози ҳамда жорий йилда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари бўйича харажатларнинг кутилаётган ижросидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

6. Келгуси йилга манбалар ва харажат йўналишлари бўйича Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогнозлари Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

7. Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар Молия вазирлигининг масъул департаменти директори томонидан тасдиқланган ҳамда рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Жамғармага ажратиш учун кўзда тутилган маблағлар Давлат бюджети параметрларида Молия вазирлиги учун ажратилган маблағлар таркибида алоҳида сатрда режалаштирилади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

9. Жамғарма маблағларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бюд-

жет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда меҳнат шартномаси бўйича охирги олти ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлашни молиялаштириш учун фойдаланилади.

10. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари бюджетга олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисобот тақдим этиш

11. АТ «Халқ банки» Жамғармадан молиялаштирилган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси учун ажратилган маблағларнинг ишлатилиши тўғрисида ҳар ойда тегишли ҳисоботларни белгиланган тартибда Молия вазирлигига тақдим этиб боради.

12. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Молия вазирлиги томонидан юритилади.

Молия вазирлиги томонидан кейинги йил учун харажатлар сметаларини тасдиқлашда, Жамғарма даромадлари ва харажатлари инobatга олинади.

13. Туман (шаҳар) молия бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармаларига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар ўтказилган мониторинг натижалари бўйича маълумот бериб боради.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармалари Молия вазирлигининг масъул департаментига:

ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ҳудудлар бўйича тўланган ва тўланмаган ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўғрисидаги тезкор ахборотни;

тасдиқланган шакл бўйича белгиланган муддатларда чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати инспекцияси Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

16. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

358 Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарorigа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Электрон ҳукумат маркази) томонидан:

«Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш доирасида «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси (кейинги ўринларда — Идоралараро интеграциялашув платформаси) модернизация қилинганлиги;

«Электрон ҳукумат» тизими доирасида маълумотларни нодавлат ташкилотларга тақдим этувчи «Электрон ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар платформаси (кейинги ўринларда — Рақамли маълумотлар платформаси) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун ариза бериш, аризани кўриб чиқиш ва уларни платформага улаш тартиби;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумот олиш учун электрон сўровлар юбориш, сўровларни қайта ишлаш ва маълумотларни тақдим этиш тартиби;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумот алмашишда платформа оператори, фойдаланувчи ва маълумот тақдим этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

б) «Электрон ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар платформаси орқали электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

нодавлат ташкилотларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш учун аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва платформага улаш тартиби;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумот олиш учун электрон сўровларни юбориш, қайта ишлаш ва маълумотларни тақдим этиш тартиби;

Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумот алмашишда платформа оператори, фойдаланувчи ва маълумот тақдим этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

в) Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божи, йиғим ва бошқа тўловлар ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими фойдаланувчиларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

талабгор томонидан давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божи, йиғим ва бошқа тўловлар ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими (кейинги ўринларда — Ягона биллинг тизими)га уланиш бўйича операторга тегишли сўров юбориш;

оператор томонидан талабгорни Ягона биллинг тизимига улаш бўйича унинг техник имкониятларини ўрганиш, уни тизимга уланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида талабгорни хабардор қилиш;

Ягона биллинг тизимига уланиш мақсадга мувофиқ деб топилганда «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси ва талабгор ўртасида шартнома тузиш;

Марказий банк ўртасида Бош келишув ҳамда талабгорнинг тизимдаги идентификация кодлари кўрсатилган Технологик йўриқномани тасдиқлаш.

3. Электрон ҳукумат маркази Идоралараро интеграциялашув платформаси, Рақамли маълумотлар платформаси ва Ягона биллинг тизимининг оператори этиб белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд маълумотлар:

давлат органлари ва ташкилотлари учун — Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали бепул асосда;

нодавлат ташкилотлар учун — ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилган ҳолда, Рақамли маълумотлар платформаси орқали тўлов асосида тақдим этилади;

б) Рақамли маълумотлар платформасига йўлланган сўровлар сонига қараб, ҳар бир сўров учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизидан 2 фоизигача миқдорда тўлов ундирилади. Тўлов миқдори томонлар ўртасида тузиладиган шартномага асосан белгиланади.

Бунда нодавлат ташкилотларни Рақамли маълумотлар платформасига улаш шартнома асосида амалга оширилади;

в) Рақамли маълумотлар платформасига йўлланган сўровларга ҳақ тўлашдан келиб тушган маблағларнинг:

25 фоизи — ахборот тизимлари ва ресурслари эгалари бўлган маълумот тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларига;

25 фоизи — Электрон ҳукумат марказига;

10 фоизи — «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонасига;

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларини ривожлантириш марказига;

қолган қисми — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирилади.

5. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларида мавжуд маълумотларни Идоралараро интеграциялашув платформаси ва Рақамли маълумотлар платформаси орқали тақдим этишда:

ахборот тизимлари ва ресурслари эгалари бўлган давлат органлари ва ташкилотларга — тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ҳамда долзарблиги юзасидан;

маълумотларни олувчи нодавлат ташкилотларга — платформалар орқали олинган маълумотлар таркибидаги шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда учинчи томонга, қонунчиликда белгиланган ҳоллардан ташқари, ошқор этмаслик бўйича зарур ташкилий ва техник чораларни кўриш юзасидан жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонаси билан биргаликда:

а) икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд маълумотларни нодавлат ташкилотларга тақдим этишни назарда тутувчи давлат-хусусий шериклик асосидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва келишувларни хатловдан ўтказиб, уларни ўрганган ҳолда таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувини босқичма-босқич фақат Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга ошириш бўйича чоралар кўрилишини;

Идоралараро интеграциялашув платформаси ва Рақамли маълумотлар платформасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларга ишлов берилишига йўл қўйилмаслигини, шунингдек, қонун билан муҳофаза қилинувчи алоҳида тоифадаги маълумотларни, жумладан, банк сири, қўриқланувчи шахсларга оид маълумотларни масъул ваколатли идоралар билан келишилган ҳолда қайта ишланишини;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар Рақамли маълумотлар платформасида ҳам жойлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 20 сентябрь,
516-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро
интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ва
ахборот алмашинуви тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали давлат органлари ва ташкилотларининг электрон ҳамкорлиги ва ахборот алмашинуви, уларни ушбу платформага улаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси (кейинги ўринларда — Идоралараро интеграциялашув платформаси) — электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграциялаш учун мўлжалланган аппарат-дастурий воситалар мажмуаси;

ахборот тизимлари ва ресурслари эгалари бўлган маълумот тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — маълумот тақдим этувчи) — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ шахсга доир ва бошқа маълумотларни қайта ишлаш вазифалари юкланган, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотлари;

маълумотларни қайта ишлаш — маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, қўллаш, тақдим этиш, тарқатиш, юбориш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ёки бир қатор амалларни бажариш;

фойдаланувчи — Идоралараро интеграциялашув платформасидан маълумотлар олишдан манфаатдор давлат органлари;

Идоралараро интеграциялашув платформаси оператори (кейинги ўринларда — оператор) — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси;

технологик йўриқнома — идоралараро маълумот алмашинувининг техник усуллари, таркиби, томонларнинг жавобгарлиги ва қайта алоқа тартибини белгиловчи ҳужжат;

веб-сервис — стандартлаштирилган интерфейсга эга ноёб веб-манзил билан аниқланган, ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд маълумотлар алмашинувининг формати ва маълумотлар тўпламини белгилайдиган дастурий таъминот тизими.

3. Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

4. Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

5. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

2-боб. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишнинг умумий талаблари ва шартлари

7. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

8. Фойдаланувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиши учун мазкур Низомга 2-иловадаги* шаклга мувофиқ аризани кузатув хатига илова қилган ҳолда операторга электрон шаклда юборади.

9. Оператор ариза келиб тушган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида аризани қуйидаги талабларга мувофиқ кўриб чиқади:

аризада кўрсатилиши зарур бўлган маълумотлар тўлиқ киритилганлиги; фойдаланувчининг ахборот тизими Электрон ҳукумат идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланганлиги;

фойдаланувчининг ахборот тизимига уланиши билан боғлиқ техник-ташқилий шароитлар мавжудлиги.

10. Ариза мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда, оператор етти иш куни мобайнида технологик йўриқномани фойдаланувчи билан бирга ишлаб чиқади ва келишади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш рад этилган тақдирда, оператор томонидан фойдаланувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хабарнома юборилади.

Фойдаланувчи хабарномада келтирилган камчиликларни бартараф қилиб, қайта ариза бериши мумкин.

11. Технологик йўриқнома ўзаро келишилгандан сўнг оператор фойдаланувчини Идоралараро интеграциялашув платформасига беш иш куни мобайнида улаш чораларини кўради.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Фойдаланувчининг ахборот тизими ҳамда тизимларнинг интеграциялашуви жараёнига қўйиладиган техник талаблар оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга мувофиқ белгиланади.

13. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

аризада кўрсатилиши зарур бўлган маълумотлар тўлиқ киритилмаганлиги;

фойдаланувчи томонидан тақдим этилган аризада ёлгон ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

фойдаланувчининг ахборот тизими Электрон ҳукумат идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланмаганлиги;

уланиш билан боғлиқ техник-ташкилий ечимнинг мавжуд бўлмаслиги.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

3-боб. Сўровларни қайта ишлашнинг умумий талаблари

14. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган фойдаланувчи зарур бўлган маълумотларни тегишли сўровларни юбориш орқали олади.

15. Фойдаланувчи томонидан Идоралараро интеграциялашув платформасига сўров юборилгандан сўнг сўровда назарда тутилган маълумотлар оператор ва фойдаланувчи ўртасидаги технологик йўриқномада белгиланган тоифадаги маълумотлар ҳисобланиши автоматик равишда текширилади.

16. Агар сўровда оператор ҳамда фойдаланувчи ўртасида тузилган технологик йўриқномада назарда тутилмаган маълумотларни тақдим этиш назарда тутилган бўлса, сўров рад этилади.

17. Сўровда технологик йўриқномада назарда тутилган маълумотлар тақдим этилиши сўралган бўлса, фойдаланувчига тегишли маълумотлар автоматик равишда тақдим этилади.

18. Сўров шаклига умумий талаблар технологик йўриқномада белгиланади.

4-боб. Идоралараро интеграциялашув платформаси томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган веб-сервислардан фойдаланиш учун рухсат бериш;

маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишида кўмаклашиш;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш юзасидан технологик ечимлар бўйича тушунтиришлар бериш;

фойдаланувчидан Идоралараро интеграциялашув платформасидаги

тегишли веб-сервисларга уланишдан кўзланган мақсад ва вазифалари тўғрисидаги маълумотларни қўшимча тарзда сўраб олиш;

маълумот тақдим этувчидан унинг маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, белгиланган маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилишини талаб қилиш;

маълумот тақдим этувчидан тегишли маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблиги таъминланишини, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича келиб тушган шикоятлар ўз вақтида бартараф этилишини талаб қилиш.

Оператор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Маълумот тақдим этувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумот юбориш масалаларининг техник ечимида оператордан ёрдам олиш;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотларни қабул қилиш ва юбориш;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш юзасидан оператордан тушунчалар олиш.

Маълумот тақдим этувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида сўровлар юбориш ва маълумотларни олиш;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича оператордан тушунчалар олиш.

Фойдаланувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Оператор қуйидаги мажбуриятларга эга:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилиш;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ахборот ва маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлаш;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўриш;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини сўзсиз бажариш;

маълумот тақдим этувчи ва оператор, оператор ва фойдаланувчи ўртасида интеграциялашув бўйича технологик йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва келишишни таъминлаш;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақда уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилиш.

Оператор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Маълумот тақдим этувчи қўйидаги мажбуриятларга эга:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилиш;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этиш;

Ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги зарурий маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўриш;

Ўзига тегишли маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлаш, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб бориш;

Ўзига тегишли веб-сервис ўзгарадиган тақдирда режалаштирилган ўзгартириш амалга оширилгунига қадар бу ҳақда икки ҳафта олдин операторга хабар бериш;

Ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар олиб борилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар олиб борилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилиш;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклаш.

Маълумот тақдим этувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Фойдаланувчи қўйидаги мажбуриятларга эга:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилиш;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмаслик;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўриш;

мазкур Низом талабларига ва «Электрон ҳукумат» тизими орқали олинган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиш.

Фойдаланувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-боб. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш

25. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш оператор томонидан амалга оширилади.

26. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ва технологик йўриқнома талабларининг бузилиши;

фойдаланувчи томонидан маълумотлар учинчи томонга шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид равишда тақдим этилганлиги ҳақида ахборотнинг мавжудлиги;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши мавжудлиги юзасидан ваколатли органларнинг ҳулосаси;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги ҳақида маълумотнинг мавжудлиги.

27. Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

фойдаланувчи томонидан «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатлари аниқланиши;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг ахборот тизимлари билан номувофиқлиги;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши мавжудлиги юзасидан ваколатли органларнинг ҳулосаси;

мазкур Низом билан белгиланган талабларнинг бажарилмаслиги.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Идоралараро интеграциялашув платформасининг иштирокчилари ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви натижасида олинган маълумотларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаши зарур.

29. Оператор мазкур Низом талабларининг ижроси бўйича доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

30. Оператор ва маълумот тақдим этувчи мазкур Низом талабларини бузган фойдаланувчининг масъул ходимлари хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

31. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Электрон ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар
платформаси орқали электрон ҳамкорлик ва ахборот
алмашинуви тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Электрон ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар платформаси орқали электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви, тижорат ташкилотлари ва хўжалик юритувчи бошқа субъектларни ушбу платформага улаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«Электрон ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар платформаси (кейинги ўринларда — Рақамли маълумотлар платформаси) — тижорат ташкилотлари ва хўжалик юритувчи бошқа субъектлар томонидан ўз тижорат хизматларини кўрсатиш доирасида давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида мавжуд маълумотларни узатиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий воситалар тўплами;

ахборот тизимлари ва ресурслари эгалари бўлган маълумот тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — маълумот тақдим этувчи) — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ шахсга доир ва бошқа маълумотларни қайта ишлаш вазифалари юкланган, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш орқали маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотлари;

маълумотларни қайта ишлаш — маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, қўллаш, тақдим этиш, тарқатиш, юбориш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ёки бир қатор амалларни бажариш;

фойдаланувчи — Рақамли маълумотлар платформасидан маълумотлар олишдан манфаатдор тижорат ташкилоти ёки хўжалик юритувчи бошқа субъект;

Рақамли маълумотлар платформаси оператори (кейинги ўринларда — оператор) — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси;

шартнома — Рақамли маълумотлар платформасидан маълумот олиш мақсадида оператор ва фойдаланувчи ўртасида тузиладиган келишув;

технологик йўриқнома — Рақамли маълумотлар платформаси доирасида идоралараро маълумот алмашинувининг техник усуллари, таркиби, томонларнинг жавобгарлиги ва қайта алоқа тартибини белгиловчи ҳужжат;

веб-сервис — стандартлаштирилган интерфейсга эга ноёб веб-манзил

билан аниқланган, ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд маълумотлар алмашинувининг формати ва маълумотлар тўпламини белгилайдиган дастурий таъминот тизими.

3. Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

4. Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Рақамли маълумотлар платформаси ёрдамида амалга оширилади.

5. Рақамли маълумотлар платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар билан ахборот алмашинуви «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг вазифаларини бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Фойдаланувчи ўзига тегишли бўлган маълумотларнинг ишончилиги, тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлаш шарти билан уларни бошқа фойдаланувчиларга, давлат органлари ва ташкилотларига Рақамли маълумотлар платформаси орқали белгиланган тартибда шартнома асосида тақдим этиши мумкин.

2-боб. Рақамли маълумотлар платформасига уланишнинг умумий талаблари ва шартлари

7. Рақамли маълумотлар платформасига уланиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

8. Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиши учун мазкур Низомга 2-иловадаги* шаклга мувофиқ аризани кузатув хатига илова қилган ҳолда операторга электрон шаклда юборади.

9. Оператор ариза келиб тушган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида аризани қуйидаги талабларга мувофиқ кўриб чиқади:

аризада кўрсатилиши зарур бўлган маълумотлар тўлиқ киритилганлиги; фойдаланувчининг ахборот тизимига уланиши билан боғлиқ техник-ташқилий шароитлар мавжудлиги.

10. Ариза мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда, оператор етти иш куни мобайнида технологик йўриқномани фойдаланувчи билан биргаликда ишлаб чиқади ва келишади.

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш рад этилган тақдирда оператор томонидан фойдаланувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хабарнома юборилади.

Фойдаланувчи хабарномада келтирилган камчиликларни бартараф қилиб, қайта ариза бериши мумкин.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Технологик йўриқнома ўзаро келишилгандан сўнг оператор фойдаланувчини Рақамли маълумотлар платформасига беш иш куни мобайнида улаш чораларини кўради. Бунда оператор ва фойдаланувчи ўртасида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома расмийлаштирилади.

12. Фойдаланувчининг ахборот тизими ҳамда тизимларнинг интеграциялашуви жараёнига қўйиладиган техник талаблар оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга мувофиқ белгиланади.

13. Рақамли маълумотлар платформасига уланишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

аризада кўрсатилиши зарур бўлган маълумотлар тўлиқ киритилмаганлиги;

фойдаланувчи томонидан тақдим этилган аризада ёлгон ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

маълумот тақдим этувчининг фойдаланувчига маълумот тақдим этишни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рад этганлиги;

уланиш билан боғлиқ техник-ташкилий ечимнинг мавжуд бўлмаслиги.

Бошқа асосларга кўра аризани рад этишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Сўровларни қайта ишлашнинг умумий талаблари

14. Рақамли маълумотлар платформасига уланган фойдаланувчи зарур бўлган маълумотларни тегишли сўровларни юбориш орқали олади.

15. Фойдаланувчи томонидан Рақамли маълумотлар платформасига сўров юборилгандан сўнг сўровда назарда тутилган маълумотлар оператор ва фойдаланувчи ўртасидаги технологик йўриқномада белгиланган тоифадаги маълумотлар ҳисобланиши автоматик равишда текширилади.

16. Агар сўровда оператор ва фойдаланувчи ўртасида тузилган технологик йўриқномада назарда тутилмаган маълумотларни тақдим этиш назарда тутилган бўлса, сўров рад этилади.

17. Сўров шаклига умумий талаблар технологик йўриқномада белгиланади.

4-боб. Рақамли маълумотлар платформаси томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маълумотларни тақдим этувчи билан келишган ҳолда, фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган веб-сервислардан фойдаланиш учун рухсат бериш;

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларини белгилаш;

фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасига уланишига қўмаклашиш;

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш юзасидан технологик ечимлар бўйича тушунтиришлар бериш;

фойдаланувчи билан тузилган шартноманинг сўзсиз бажарилишини талаб қилиш;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган веб-сервисларга кириш учун рухсат бериш юзасидан аризани маълумотларни тақдим этувчи билан келишиш;

фойдаланувчидан Рақамли маълумотлар платформасидаги тегишли веб-сервисларга уланишдан кўзланган мақсад ва вазифалари тўғрисидаги маълумотларни қўшимча тарзда сўраб олиш;

маълумот тақдим этувчидан унинг маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, белгиланган маълумотларнинг Рақамли маълумотлар платформасига узлуксиз равишда тақдим этилишини талаб қилиш;

маълумот тақдим этувчидан тегишли маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблиги таъминланишини, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича келиб тушган шикоятлар ўз вақтида бартараф этилишини талаб қилиш.

Оператор қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Маълумот тақдим этувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларнинг уланишини келишиш;

Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумот юбориш масалаларининг техник ечимида оператордан ёрдам олиш;

Рақамли маълумотлар платформаси фаолияти юзасидан зарур ахборотларни оператордан сўраб олиш.

Маълумот тақдим этувчи қонунчилик ҳужжатлари ва шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш учун операторга белгиланган тартибда ариза юбориш;

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича оператордан тушунтиришлар олиш;

ўз ахборот тизимини Рақамли маълумотлар платформасига улаш юзасидан ёрдам олиш;

оператор билан тузилган шартноманинг сўзсиз бажарилишини талаб қилиш.

Фойдаланувчи қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

21. Оператор қуйидаги мажбуриятларга эга:

маълумот тақдим этувчи томонидан тегишли хабарнома олинган вақтдан бошлаб Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган веб-сервисларга фойдаланувчи томонидан кириш учун рухсатни вақтинча тўхтатиб туриш;

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилиш;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлаш;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўриш;

мазкур Низом ва фойдаланувчи билан тузилган шартнома талабларини сўзсиз бажариш;

мазкур Низомда ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақда уларни расмий тарзда асосларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш.

Оператор қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Маълумот тақдим этувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш шартларига риоя қилиш;

Рақамли маълумотлар платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этиш;

ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги зарурий маълумотларнинг Рақамли маълумотлар платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўриш;

ўзига тегишли маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлаш, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб бориш;

ўзига тегишли веб-сервис ўзгарадиган тақдирда режалаштирилган ўзгартириш амалга оширилгунига қадар бу ҳақда икки ҳафта олдин операторга хабар бериш;

ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар олиб борилиши натижасида Рақамли маълумотлар платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар олиб борилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилиш;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклаш.

Маълумот тақдим этувчи қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

23. Фойдаланувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган тегишли веб-сервисларга кириш учун рухсатни олишга оператор билан аризани келишиш;

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилиш;

Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш;

Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни

учинчи томонга тақдим этмаслик, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

ушбу Низом ва оператор билан тузилган шартнома талабларини сўзсиз бажариш;

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўз ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўриш.

Фойдаланувчи қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-боб. Рақамли маълумотлар платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш

24. Рақамли маълумотлар платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш оператор томонидан амалга оширилади.

25. Рақамли маълумотлар платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларининг ва технологик йўриқноманинг бузилиши;

шартномада назарда тутилган тўловлар фойдаланувчи томонидан ўз вақтида тўланмаслиги;

фойдаланувчи томонидан маълумотларни учинчи томонга шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид равишда тақдим этилганлиги ҳақида ахборотнинг мавжудлиги;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши мавжудлиги юзасидан ваколатли органларнинг хулосаси;

Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланилганлик ҳақида ахборотнинг мавжудлиги.

26. Рақамли маълумотлар платформасига уланишни бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

фойдаланувчи томонидан «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларининг аниқланиши;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши мавжудлиги юзасидан ваколатли органларнинг хулосаси;

мазкур Низом ва шартнома шартлари бузилиши ёки шартномани амал қилиш муддатининг тугаши.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Рақамли маълумотлар платформасининг иштирокчилари ўзаро ҳам-

корлик ва ахборот алмашинуви натижасида олинган маълумотларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаши зарур.

28. Оператор мазкур Низом талаблари ижроси бўйича доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

29. Оператор ва маълумот тақдим этувчи мазкур Низом ва шартнома талабларини бузган фойдаланувчининг ходимларини хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

30. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган
давлат божи, йиғим ва бошқа тўловлар ҳисобини юритувчи
Ягона биллинг тизими фойдаланувчиларининг ўзаро
ҳамкорликда ишлаши тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божи, йиғим ва бошқа тўловлар ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими фойдаланувчиларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божи, йиғим ва бошқа тўловлар ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими (кейинги ўринларда — Ягона биллинг тизими) — давлат хизматларини ҳамда бошқа хизмат ва сервисларни кўрсатиш жараёнида олинадиган айрим бож, йиғим, тўлов ва жарималар ҳисобини юритувчи ахборот тизими;

транзакция — тўлов суммасининг бир ҳисобварағидан бошқа ҳисобварағига ўтказилиши;

инвойс — ҳисоб-китоб варақаси;

инвойс рақами — ҳар бир транзакция учун яратиладиган махсус уникал (14 хонали) сонлар жамланмаси;

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими (кейинги ўринларда — клиринг тизими) — клиринг тизими орқали тўловлар амалга оширилишида клиринг тизими иштирокчилари ва фойдаланувчилари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ахборот тизими;

«Давлат молиясини бошқариш» ахборот тизими — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли шахсий вазна ҳисобварақларига тушган тўловлар ҳақидаги маълумотларни Ягона биллинг тизимига юбориш функциясини бажарувчи ахборот тизими;

талабгор — Ягона биллинг тизимига хизматларини улаш истагини билдирган субъект;

мижоз — Ягона биллинг тизимига уланган субъект;

Ягона биллинг тизими оператори (кейинги ўринларда — оператор) — Ягона биллинг тизимининг ишлаши, фойдаланилиши, ташкилий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси.

3. Ягона биллинг тизими қўйидаги вазифаларни бажаради:

транзакциялар ҳисобини юритиш, ҳисобот ва статистик маълумотларни шакллантириш;

банк кассалари, тўлов ташкилотлари ва масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали ҳамда банк ҳисобварағидан нақд пулсиз кўринишда амалга оширилган тўловлар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва мижозларга реал вақт режимида етказиш;

давлат хизматлари, бошқа хизмат ва сервисларни кўрсатиш учун тўланадиган давлат божи, йиғим ва бошқа тўловларни тўлаш учун инвойс яратиш.

4. Ягона биллинг тизими орқали тўланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Молия вазирлиги Фазначилигидаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

5. Ягона биллинг тизимини такомиллаштириш ва кейинчалик қўллаб-қувватлаш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Молия вазирлиги Фазначилигидаги махсус ҳисоб рақами маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Ягона биллинг тизимига уланиш тартиби

6. Ягона биллинг тизимига уланиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

8. Ягона биллинг тизимига «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда — Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали кирилади.

9. Қўйидагилар Ягона биллинг тизимига уланиш учун қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП)да давлат хизмати жорий этилиши ёки талабгорнинг ахборот ти-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зимлари, бизнес жараёнларини автоматлаштириш бўйича идоравий ахборот тизимларининг мавжудлиги;

мазкур Низомга 2-илова* билан тасдиқланган шаклдаги Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш хизмат паспортининг мавжудлиги;

банк ва ғазначилик ҳисобварақлари мавжудлиги.

10. Ягона биллинг тизимига уланиш қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

а) ЯИДХПда жорий этилаётган барча давлат хизматлари бўйича Ягона биллинг тизимига улаш, бунда давлат хизматини кўрсатувчи давлат органи ва ташкилот томонидан фақат давлат хизматларига тегишли банк ва ғазначилик ҳисобварақлари тақдим қилинади;

б) хизматларни тақдим этувчи майдонлар, маълумотларни йиғиш пункти орқали кўрсатиладиган хизматлар бўйича талабгорнинг идоравий ахборот тизимларини Ягона биллинг тизимига улаш, бунда улаш ахборот тизимининг эгаси (мулкдори) ва оператор ўртасидаги шартномавий муносабатлар асосида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божи, йиғим ва бошқа тўловлар ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизимига уланиш учун:

талабгор томонидан Ягона биллинг тизимига уланиш бўйича операторга тегишли сўров юборилади;

оператор талабгорни Ягона биллинг тизимига улаш бўйича унинг техник имкониятларини ўрганади ва натижаси бўйича ушбу тизимга улаш ёки уланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хабардор қилади;

улаш мақсадга мувофиқ деб топилганда талабгор ушбу тизимга уланадиган хизмат ва сервисларнинг параметрлари ҳақидаги хизмат паспортларини тўлдиради ва тасдиқлайди ҳамда Ягона биллинг тизимига уланиш бўйича оператор билан шартнома тузади;

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизимига уланиш учун талабгор томонидан ариза тақдим этилади;

мазкур ариза асосида талабгор билан Марказий банк ўртасида Бош келишув ҳамда талабгорнинг тизимдаги идентификация кодлари кўрсатилган Технологик йўриқнома тасдиқланади;

Молия вазирлиги Ғазначилигига «Давлат молиясини бошқариш» ахборот тизими орқали тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига тушадиган тушумлар бўйича маълумотларни Ягона биллингга юбориш юзасидан тегишли сўров юборилади;

оператор талабгорнинг хизмат ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилади;

талабгор тўлов тизимларини юритувчи ташкилотлар билан шартнома тузади.

11. Талабгор томонидан тақдим этилган хизмат паспортида келтирилган маълумотлар, хусусан, кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар ва талабгорнинг таркибий тузилмалари ёки хизмат кўрсатиш шохобчалари

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рўйхати ва кўрсатилган хизмат учун тўловлар тушадиган банк ва фазначилик ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

12. Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларининг параметрлари Ягона биллинг тизимининг параметрларига мувофиқ келмаган ҳолларда ахборот тизимлари ва сервислари параметрларини Ягона биллинг тизимига мослаштириш бўйича тавсиялар тақдим этилади. Оператор сўровни қайта кўриб чиқади.

13. Талабгор томонидан кўрсатилган хизмат учун тўловлар шахсий ғазна ҳисобварағи орқали амалга оширилса:

талабгор Молия вазирлиги Ғазначилигига «Давлат молиясини бошқариш» ахборот тизими орқали тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига тушадиган тушумлар бўйича маълумотларни Ягона биллинг тизимига юбориш юзасидан тегишли сўров юборади;

Молия вазирлиги Ғазначилиги ушбу сўровга асосан беш иш кунда кўрсатилаётган давлат хизматининг тегишли шахсий ғазна ҳисобварақлари «Давлат молиясини бошқариш» ахборот тизимига уланганлиги ёки уланмаслиги ҳақида асосланган жавоб қайтаради.

14. Ягона биллинг тизимига улаш оператор томонидан талабгорнинг ташаббуси билан ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Мижозлар учун Ягона биллинг тизими орқали ўз ҳисоботларини юритиш, ҳисоботлар ва статистик маълумотлар олиш, фазначилик орқали тушган ва қайси инвойсга тегишлилиги аниқланмаган тўловларни инвойсга бириктириш учун оператор томонидан алоҳида кабинет очиб берилади.

3-боб. Ягона биллинг тизими оператори ва мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ягона биллинг тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш, улаш ва ўқитиш;

Ягона биллинг тизимини модернизациялаш ва янги версияларини ишга тушириш;

мижозларга Ягона биллинг тизимидан фойдаланиш бўйича, шу жумладан, Ягона биллинг тизимида хато ёки нотўғри ишлашининг олдини олиш бўйича маслаҳатлар бериш;

Ягона биллинг тизимидан фойдаланувчилар учун ташкил этиладиган ўқув машғулотларини ўтказиш учун мутахассислар ажратиш;

Ягона биллинг тизимининг функционал ва фойдаланиш таснифларини яхшилаш мақсадида тизимнинг ишлашини таҳлил қилиш;

Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Ягона биллинг тизимида профилактик тадбирлар ўтказиш учун олдиндан вазирликлар ва идораларга хабар берган ҳолда иш фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш;

мижозларнинг ахборот тизимлари орқали Ягона биллинг тизимига турли хил техник хуружлар амалга оширилганда ва унинг оқибатида келиб чиқа-

диган носозликларни бартараф этиш мақсадида вазирликлар ва идораларни вақтинча Ягона биллинг тизимидан узиб қўйиш;

Ягона биллинг тизимида бўлган ўзгаришларга мослашишни талаб қилиш;

мижозларнинг сўровига асосан ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳамда интеграцияларни амалга ошириш.

17. Зарурат туғилганда, оператор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда Ягона биллинг тизимини техник томондан қўллаб-қувватлашда юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш мақсадида бошқа ташкилотларни (техник гуруҳ) жалб қилиш ҳуқуқига эга.

18. Мижозларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилик ахборот тизими орқали Ягона биллинг тизимига тушган тўловлар бўйича инвойсга хато боғланган тўловни инвойсдан ечиб бериш юзасидан мурожаати тегишли ҳужжатлар билан асосланган тақдирда, тўлов инвойсдан ечиб берилади.

Бунда Ягона биллинг тизимида мазкур инвойс билан амалга оширилган операция якунига етказилган ёки мазкур инвойс учун мижозларнинг идоравий ахборот тизимларида хизматлар кўрсатиш бошланган ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, тушган тўловлар инвойсдан ечиб берилмайди.

19. Оператор қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш;

Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш;

Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш.

Оператор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

20. Ягона биллинг тизими мижозлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ягона биллинг тизимидан фойдаланиш, ҳисоботлар ва статистик маълумотлар олиш;

Ягона биллинг тизими хизматидан фойдаланувчилар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Ягона биллинг тизимидан фойдаланиладиган хизмат турларини кўпайтириш, камайитириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш;

Ягона биллинг тизимидан фойдаланувчиларнинг кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этишни талаб қилиш;

Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этишни сўраб операторга мурожаат қилиш;

Молия вазирлигининг Ғазначилик ахборот тизими орқали Ягона бил-

линг тизимига тушган тўловларни тегишли инвойсга боғлаш, инвойсга хато боғланган тўловни инвойсдан ечиб бериш бўйича мурожаат қилиш.

21. Ягона биллинг тизими мижозлари қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Ягона биллинг тизимидан фойдаланувчи ходимлари Идентификациялашнинг ягона тизимида рўйхатдан ўтишини таъминлаш;

Ягона биллинг тизимидаги фойдаланувчилар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда 5 иш куни давомида операторни хабардор этиш;

Молия вазирлигининг Фазначилик ахборот тизими орқали Ягона биллинг тизимидан ўтган маблағлар тўлов ҳужжатида кўрсатилган субъектларга берилган инвойсга тўғри келишини назорат қилиб бориш;

Молия вазирлигининг Фазначилик ахборот тизими орқали Ягона биллинг тизимига тушган тўловлар бўйича инвойсга хато боғланган тўловни инвойсдан ечиб бериш юзасидан мурожаат қилишда тўлов хато боғланганлиги ва уни ечиш мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;

кўрсатилган хизматлар ҳақи сифатида амалга оширилган ҳар бир транзакция суммасининг 0,5 фоизини ҳисобот ойнанинг якуни бўйича кейинги ойнанинг 5-кунига қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Молия вазирлиги Фазначилигидаги махсус ҳисоб рақамига ўтказиш.

4-боб. Якунловчи қоидалар

22. Оператор Ягона биллинг тизимининг узлуксиз ишлаши ва ундаги маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этмаслик учун жавобгар ҳисобланади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****359 «Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 23 апрелдаги 12/1-сон «Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2788, 2016 йил 18 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 20-сон, 227-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 август,
19/3-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
22 августдаги 19/3-сон қарорига
ИЛОВА

**«Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
критиқлаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» деган сўзлар «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом валюта биржаси фаолиятини лицензиялашни тартибга солади.»;

б) 6-банднинг «а» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: лицензия даъвогарининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), электрон почта манзили, банк ҳисобварағи реквизитлари;»;

в) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризани мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда қабул қилиб олинган кундан бошлаб йигирма иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади ва лицензияни беради ёки уни беришни рад этади.»;

г) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Лицензия берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда ва тартибда давлат божи ундирилади.»;

д) 13-банддаги «қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида» деган сўзлар «қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 15-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Лицензия QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади.»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ж) 16 ва 22-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

з) 17-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензия даъвогари лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этиши;»;

тўртинчи хатбошидаги «шарт-шароитларига номувофиқлиги» деган сўзлар «шартларига номувофиқлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф қилиб, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиш мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ўттиз иш кунидан ортик бўлмаслиги керак.

Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома лицензия даъвогарига юборилган тақдирда лицензияни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.»;

к) қуйидаги мазмундаги 18¹ — 18⁵-бандлар билан тўлдирилсин:

«18¹. Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран тақдим этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

18². Лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва лицензия даъвогари мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади.

Лицензия даъвогари рад этиш сабабларини бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

18³. Лицензия даъвогари лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этганда, лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни улар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади.

Лицензия даъвогарининг аризасини такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

18⁴. Лицензия даъвогарининг аризасини такроран кўриб чиқишда лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

18⁵. Лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин лицензия даъвогари томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва лицензияловчи орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.»;

л) 5-бобнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш»;

м) 19-банддаги «бир ой муддатда» деган сўзлар «беш иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 20 ва 21-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида валюта биржаси фаолиятини амалга оширади.

21. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва бериш лицензияловчи орган томонидан лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда олинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.»

о) 23-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензиат ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб турганда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат қилганда. Бунда лицензиянинг амал қилиш муддати олти ойгача тўхтатиб турилиши мумкин;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги аниқланганда;»;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, ёзма шаклда етказилади.»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф этилиши муддатини белгилайди. Бунда кўрсатилган муддат лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаслиги керак.»;

еттинчи хатбошидаги «уч кун муддат ичида» деган сўзлар «уч иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 24 ва 25-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби бекор қилинганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилишини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан илгари мурожаат этилган бўлиб, мазкур муддат ичида лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида лицензияловчи органга ариза билан мурожаат қилинмаган тақдирда.

25. Лицензия қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

лицензия қалбаки ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

лицензиат фаолияти юридик шахс сифатида тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсда валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно;

лицензия берилганлиги учун давлат божи белгиланган муддатда тўланмаганда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензияни бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса.

Қуйидагилар лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузиш деб ҳисобланади:

биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида ошкор этилиши тақиқланган биржа битимлари тўғрисидаги ахборотнинг валюта биржаси томонидан учинчи шахсларга ошкор этилиши;

валюта биржаси томонидан биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг пул маблағларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши, бундан биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида ва биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

биржа аъзоларининг барчасига биржа савдоларида бир вақтда иштирок этиш имкониятининг таъминланмаганлиги;

валюта биржаси томонидан бозор конъюнктурасини сунъий равишда ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкин бўлган нотўғри ва атайлаб ёлғон маълумотларнинг тарқатилиши.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай етказилади.»;

р) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

лицензиатнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

лицензия берилган сана ва тартиб рақами;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, уни бекор қилиш асослари ҳамда саналари.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

360 «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ–5020-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 25 июлдаги 8-мх, 55-сон «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2821, 2016 йил 23 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 34-сон, 406-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 26 август,
6-мх-сон

Б. САИДОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 23 август,
43-сон

Т. ИШМЕТОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

Мактабгача таълим вазири**А. ШИН**

Тошкент ш.,
2022 йил 25 август,
7-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири**Б. МУСАЕВ**

2022 йил 18 август

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил
26 августдаги 6-тн-сон, Молия
вазирлигининг 2022 йил 23 августдаги
43-сон ва Мактабгача таълим вазирлигининг
2022 йил 25 августдаги 7-сон қарорига
ИЛОВА

**«Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-
интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

1) номи ва 1-банддаги «муассасалари» деган сўзлар «ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддимадан «ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

1) номидаги, 1, 3 ва 6-бандлардаги «муассасалари» деган сўзлар «ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатларда болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.»;

3) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «муассасалари» ва «муассасанинг» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотлари» ва «ташкилотнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «муассасанинг» деган сўз «ташкилотнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 4-банддаги «муассасасига» ва «муассасасидан» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотига» ва «ташкилотидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 5-банддаги «муассасаларида» ва «ақлий» деган сўзлар тегишли равишда «ташкilotларида» ва «психик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 7-банддаги «муассасалари» ва «муассасасига» деган сўзлар тегишли равишда «ташкilotлари» ва «ташкilotига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 8 ва 11-бандлардаги «муассасаси» деган сўзлар «ташкilotи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 9-банднинг биринчи хатбошидаги «муассасасидаги» ва «муассасасига» деган сўзлар тегишли равишда «ташкilotидаги» ва «ташкilotига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Мактабгача таълим ташкilotлари ва мактаб-интернатларида болаларни сақлаш учун тўловлар тижорат банклари орқали нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда (банк пластик карточкалари орқали, пул ўтказиш орқали), шунингдек ва электрон тўлов йўли билан тўланади.»;

10) 3-бобнинг номидаги «муассасаларида» деган сўз «ташкilotларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 12-банддаги «муассасасида» деган сўз «ташкilotида» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) 13-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «муассасасига» деган сўз «ташкilotига» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «муассасасига» ва «муассасаси» деган сўзлар тегишли равишда «ташкilotига» ва «ташкilotи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «муассасасида» деган сўз «ташкilotида» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) 14-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «муассасасига» деган сўзлар «ташкilotига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «муассасаларида» деган сўз «ташкilotларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

14) 5-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-боб. Кам таъминланган оилаларнинг ҳамда боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандларини тўловлардан озод қилиш»;

15) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Мактабгача таълим ташкilotларидаги (мактаб-интернатлардаги) болалар умумий сонининг 15 фоизи доирасида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар фарзандлари тўловдан озод қилинади. Бунда, биринчи навбатда ота-оналаридан бири ёки иккаласи I ёхуд II гуруҳ ногиронлиги бўлган кам таъминланган оила фарзандларига, шунингдек, ўртача ойлик жами даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оила фарзандларига имтиёз берилади.

Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган квотадан қатъи назар ота-оналар тўловидан озод қилинади.»;

16) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Тўловдан озод қилинадиган болалар рўйхати қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар асосида шакллантирилади:

а) кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали берилган оила кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

б) боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун (қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлардан бири тақдим этилиши мумкин):

боқувчисини йўқотган аёл боқувчисининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси;

боқувчисининг бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори;

ўлим ҳолати фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотнома;

давлат хизматлари маркази орқали берилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ўлим қайд этилганлиги ҳақида маълумотнома.

Бунда, мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган маълумотнома мактабгача таълим ташкилоти томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотларидан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.».

17) 21-банддаги «Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати» ва «муассасаси» деган сўзлар тегишли равишда «Тўловдан озод қилинадиган болалар рўйхати» ва «ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 23-банддаги «муассасасига» ва «19-бандига» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотига» ва «19-бандининг биринчи хатбошисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 24-банддаги «Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати» деган сўзлар «Тўловдан озод қилинадиган болалар рўйхати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 25-банддаги «муассасалари» ва «муассасаларнинг» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотлари» ва «ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 26-банддаги «Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари» деган сўзлар «Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22) илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

«Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
Ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти
учун ота-оналар тўлови ундирилмайдиган болаларнинг
ривожланишидаги жисмоний ёки психик нуқсонлар
РЎЙХАТИ**

1. Нутқидаги оғир нуқсонлар (ринолалия, дудуқлик, болалар афазияси).
2. Эшитишдаги оғир нуқсонлар (II — IV даражали нейросенсор эшитиш пастлиги ва карлик).
3. Кўришдаги оғир нуқсонлар (кўзи ожизлик (амовроз); туғма нуқсонлар (микрофтальм, микрокорнеа, анофтальм, тўр парданинг ривожланишидаги туғма нуқсонлар; кўриш нервининг атрофияси, кўриш нерви диск ва макула-сининг оғир даражадаги гипоплазияси, альбинизм, аниридия, кўриш ўткирлиги 0,4 гача); катаракта (марказий зонада тўлиқ ёки қисман хиралашиш, кўриш ўткирлиги 0,4 гача), афакия (кўз гавҳари йўқлиги, кўриш ўткирлиги 0,4 гача), кўз гавҳари силжиши (жой ўзгариши); глаукома (туғма, иккиламчи); тўр парданинг кўчиши).
4. Таянч-ҳаракат аппарати бузилиши (III ва IV даражали сколиоз; кўкрак қафасининг III ва IV даражали гирдобсимон ёки килсимон деформацияси; артрогрипоз; болалар церебрал фалажи ва бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари; остеомиелит асоратлари; туғма маймоқлик (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолат); ортопедик систем касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия); туғма сон суяк чиқиши (оператив даволашдан кейинги ҳолат).
5. Психик ривожланишдаги нуқсонлар (психик ривожланишда кечикиш, психик-нутқий ривожланишда кечикиш, болалар аутизми).
6. Ақлий ривожланишдаги нуқсонлар (енгил ва ўрта даражадаги ақлий заифлик).
7. Мураккаб нуқсонлар (ривожланишда икки ва ундан ортиқ нуқсонлар мавжудлиги).».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 августдаги 19/3-сон «Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 26 августдаги 6-тн-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 23 августдаги 43-сон ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2022 йил 25 августдаги 7-сон «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821-2.